



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 22 - avgust

892 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Нуруллаев Қиличбой  
Қадамбоевичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Нуруллаев Қиличбой Қадамбоевичнинг “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 февралдаги ШЯ-Н-788-сонли аризасини, “Нурли маскан” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 24 февралдаги 546-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**


1. Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 73,45 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 143,89 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 217,34 квадрат метр, қурилиш ости майдони 282,51 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Нуруллаев Қиличбой Қадамбоевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Нуруллаев Қиличбой Қадамбоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Нуруллаев Қиличбой Қадамбоевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев